Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 11 февраль • сешанба • № 22 (4307)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Халқаро ҳамкорлик

ҚОЗОҒИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

>>> 2

КУН НАФАСИ

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети майдонида **Алишер Навоий таваллуд санасига бағишланган тадбир** ғоят кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтказилди.

uza.uz

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

* * *

Йўловчи ва юкларни автомобиль транспортида ташиш учун лицензияни эндиликда my.gov.uz портали орқали олиш мумкин.

napm.uz

* * *

Энергетика вазири **Алишер Султонов** «Acwa Power» компанияси Бошқаруви раиси **Муҳаммад Абунаян** бошчилигидаги Саудия Арабистони делегацияси **билан музокаралар ўтказди.**

Энергетика вазирлиги матбуот хизмати

* * *

Энергетика вазирлигида Сингапур Савдо ва саноат бўйича катта давлат вазири **Кун Ко По бошчилигидаги делегация билан музокаралар** ўтказилди.

uza.uz

* * *

Холмурза Бекчанов Қорақалпоғистон Давлат солиқ қўмитасига раҳбар этиб тайинланди.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати

Андижон вилояти

Обод турмуш пойдевори

Янги Андижон бунёд этилмоқда

Хўжаобод туманининг Иттифоқ массивидаги адирликларда янги шаҳарча барпо этишга киришилди. Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов қурилиш-бунёдкорлик ишларини кўздан кечириш асноси пойдевори қуйиб битказилган биноларга дастлабки рамзий ғиштни қўйди.

«Янги Андижон» деб ном олган бўлажак шаҳарчада жорий йилда беш ва етти қаватли 34 та турар-жой қад ростлайди. Ҳудудда автомобиллар учун тураргоҳлар, 420 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби ҳамда бошқа бир қатор инфратузилма объектларини жойлаштириш юзасидан режали ҳисоб-китоб қилинган.

Кўп қаватли уй қуриш учун текис майдонлар эмас, нега айнан қир-адирлар танланди?

Зикр этилаётган адирлик анча йиллардан бери қуриб-қақшаб ётганги, боз устига, Буюк ипак йўлига яқин экани билан халқаро тажрибага эга лойиҳачи мутахассисларга ҳам маъқул келди. Муҳими, кўп йиллардан бери одам қадами етмаган жойларга ҳаёт кириб боради. Бу борада бир қатор хориж мамлакатлари, хусусан, Туркия тажрибаси ўрганилди. Адирлик бағрида шаҳар тиклаш ишларига чет эллик мутахассислар фаол жалб этилаётгани ҳам аслида шундан.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«ISHONCH»

Ishonch эслатади!

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таалуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун,
34-модда.

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

«СНОС» ЭПИДЕМИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ТЎЛҚИНИ

Охирги вақтларда бўлаётган ишларни кўриб, одамларни норози қилган «снос» эпидемиясининг иккинчи тўлқини бошланганига гувоҳ бўляпман.

Афсуски, бу сафар йиллаб фуқароларнинг пешона тери билан пул топиб, қурган уйларини буздириш «акцияси»да фақат ҳокимлар эмас, улар билан бирга аслида ва идеалда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул ва ваколатли идоралар вакиллари ҳам туриб, фуқароларга қарши зўравонлик олиб бораётгани одамни жуда хафа қилади. Ҳимоя қиладиганларнинг ўзидан ҳимоя керак бўлса, додингни кимга айтасан?

Айниқса, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан келаётган мурожаатлар ўтган йилги хунук ва Президентни хафа қилган воқеаларнинг қайта бошланишига сабаб бўлади, деган хавотир пайдо қилмоқда. Расмий давлат ОАВ, хусусан «Ўзбекистон 24» канали эса масаланинг тубига етмай, вазиятни холис ўрганмай туриб, бир томонлама фуқароларни айбдор қилиб кўрсатмоқда. Гўёки прокуратура ва ҳокимликлар ҳақ-у, фуқаролар ноҳақ дегандай. Умид қиламанки, бу буюртма эмас. Тағин ким билади...

Аслида, бундай уйларнинг қурилишига ўз вақтида масъуллар рухсат бермаса, давлат еридан ўзбошимча уй-жойни қуриб олишга кимнинг журъати етади?

Кўриниб турганидек, бу яна масъулларнинг навбатдаги «очко» олиш баҳси, кимлардир орден ва медаль олгиси келгани аниқ. Бу уларга ҳам, нохолис ОАВ учун ҳам уят.

Айрим зўравон масъулларнинг ўқувсиз, билимсиз ва қонунлардан бехабарлигини инобатга олиб, уларга Олий Мажлис қабул қилган ва амалда бўлган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунни ўқишларини тавсия қилган бўлар эдим. Зора, ҳеч бўлмаса, шу қонунни ҳурмат қилиб, фуқаролар билан муносабат қилишга ўтилса.

Сўнгида зўравон масъулларга одамларни қийнаб медаль олгиси келмасдан, агар адолатли бўлишса, халқ медалдан ҳам ортиғини бериши, бу олий неъмат ишонч ва ҳурмат эканини эслатмоқчиман. Ўйлаб кўринг, ваколатли «зўравонлар!»

Гап эгасини топади...

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

Муносабат

Халқ ҳаётида ўз аксини топажак

Аҳмаджон ҲАҚУЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, туризм каби қатор соҳалар ҳақида сўз юритиб, бу борада амалга оширилган ишлар, яратилган енгилликлар сабаб қисқа даврда ўзига хос натижаларга эришилганини айтиб ўтди.

«Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда кўплаб корхоналар очилиб, иш жойлари кўпайтириляпти. Қўшма корхоналар иш бошлаяпти. Бу кўплаб юртдошларимиз иш билан таъминланиб, оиласига янада фаровонлик олиб кирди деганидир.

Эришилаётган ютуқларда, албатта, касаба уюшмаларининг муносиб ўрни бор. Ишчи-ходимлар ҳимояси йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашимиз ҳам Мурожаатномага таянган ҳолда ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди. Келгусида қилинадиган амалий ишларимиз натижаси халқимиз ҳаётида ўз аксини топади, албатта.

Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«Муштарий гуруҳи»** каналини ташкил қилди.
Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – **t.me/ishonchmurojaat** орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

ХОҲ ИШОНИНГ, ИШОНМАНГ

пойдевори йўқ, нураётган ва яроқсиз мактаблар бор...

Сурхондарё вилояти

Фаолиятга назар

Одамларни рози қилиш – устувор мақсадимиз

Ўтган йил мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар, янгиланишларга бой бўлди. Амалга оширилган ислоҳотлар замирида энг олий қадрият – инсон омили ва унинг манфаатлари устуворлик касб этиб, бу жараён касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янгича маъно ва мазмунга тўлдирди.

Таъкидлаш жоизки, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамоа шартномаларига ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш вақти ва дам олиш вақтига қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилиб, амалдаги жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 5273 нафар касаба уюшма аъзоси ҳамда 2273 та оилага, 1,2 миллиард сўмлик ижтимоий кўмаклар кўрсатилди.

Йил мобайнида вилоятда бўш иш ўринлари учун бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаларида иш изловчиларнинг 5344 нафарига Термиз шаҳри ва туманлар касаба уюшмалари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ташкилот ва идоралар, туманлар (шаҳар)лар раҳбарларининг касаба уюшма фаоллари билан ўтган йилнинг 1-чораги ва ноябрь ойида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди.

«Бошланғич ташкилотлар куни» доирасида йил давомида 1200 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий кўмаклашилди.

Инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш фаолиятимизнинг бош мезонидир. Бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганиб, жойида ижобий ҳал этиш йўлга қўйилган бўлиб, айрим оилаларнинг уй-жойлари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан таъмирланяпти. Шу билан бирга 168 нафар бемор фуқаронинг соғлигини тиклаш учун ҳам муайян миқдорда маблағ сарфланди.

Эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли кредитлар, уларнинг тикувчилик, иссиқхона, парранда, чорвачилик йўналишларини ривожлантириш учун тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Одамларни рози қилиш – устувор мақсадимиз. Биз бу мақсадга ишчи-ходимлар ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш билан эришамиз. Зеро, ҳар бир ишчи, ҳар бир инсон касаба уюшмалари тимсолида, таъбир жоиз бўлса, ўзининг суянган тоғини, эркин ишлаш кафолатлари, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам ишончли ҳимоячисини кўрмоғи лозим.

Жамоа шартномаларига ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш вақти ва дам олиш вақтига қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилиб, амалдаги жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 5273 нафар касаба уюшма аъзоси ҳамда 2273 та оилага, 1,2 миллиард сўмлик ижтимоий кўмаклар кўрсатилди.

Қобил БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ҚОЗОҒИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

1

Делегация таркибида Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Сатыбалды Даулеталин, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, «Ынтымак» кичик ва ўрта бизнес тармоғи касаба уюшмаси раиси Кайрат Жанабеков, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий шериклик қўмитаси раиси Гулнара Жумагелдиева, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерациясининг Активларни бошқариш дирекцияси бош директори Бауыржан Ахметулин, Чимкент шаҳар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Берик Бекжанов, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати бош маслаҳатчиси – халқаро сектор раҳбари Шерзод Пўлатовлар бор.

Учрашув давомида Қудратилла Рафиқов меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ижобий натижалари, хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар, уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётгани тўғрисида батафсил маълумот берди. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида янги тамойилларнинг кучга киргани, кўп йиллардан бери мавжуд бўлган қатор муаммолар ҳал этилиб, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ривожлангани ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш имкониятлари яратилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг тобора ривож топиб бораётгани, шунингдек, икки мамлакат касаба уюшмалари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилаётгани қайд этилди.

Шундан сўнг Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакилларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг устувор йўналишлари, мазкур йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Учрашув давомида Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси билан 2018 йил апрелда имзоланган Меморандумга асосан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Икки мамлакат касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлашмалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўналишидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатда олиб борилаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизнинг янги тарихини бошлаб бергани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар Ўзбекистоннинг дунё-ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминлаётганини эътироф этдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятидаги илғор тажрибалардан ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар кўп эканини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, санатор-курорт муассасалари тизимини такомиллаштириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда касаба уюшмалари ўқитувчи-тренерларини тайёрлаш, касаба уюшма газеталари фаолиятини ривожлантириш соҳаларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тажрибасини ўрганиш истаги билдирилди.

Шу мақсадларда Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакилларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти, Юридик клиникаси, тизимдаги санаторийлар ҳамда Даволаш профилактика маркази, шунингдек, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти фаолияти билан таништириш ҳам кўзда тутилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Самарқанд вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

ЭР ХОТИНГА КАФИЛМИ?

ёхуд «машмаша»га мубтало мактаб

Мактаб директорининг жорий йил 3 январдаги 1-сонли буйруғига асосан Дилдора Аҳматова ўз вазифасидан бўшатилган бўлиб, буйруққа унинг 3 январь кунги аризаси асос қилиб олинади. Ишдан қувилган ходим эса бундай ариза ёзмаганини айтиб, касаба уюшмаларидан ёрдам сўраган.

– Ҳолатни ўрганганимизда буйруққа ишдан бўшаш тўғрисидаги ариза илова қилинган ва у мавжуд, – дейди бирлашманинг юридик бўлими мудири Улуғбек Ғаниев. – Бироқ, бизни ажаблантиргани, ариза Дилдора Аҳматованинг турмуш ўртоғи А.Абдураҳимов томонидан ёзилган.

Абдунаби Абдураҳимовни бу ишга ундаган омил эса қуйидагича: 3 январь куни эрталаб мактаб директори унга турмуш ўртоғи Д.Аҳматованинг аризасини олиб кел, деган топшириқни беради. Юзма-юз мулоқотда, тинчгина ишлаб юришни истаса, хотини ариза топшириши шартлигини писанда қилади.

– Бу гаплардан асабларим таранглашиб турмуш ўртоғим номидан ариза ёзиб директорга топширдим, – дея тушунтириш беради А.Абдураҳимов. – Шу куниёқ ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ тайёрланиб, имзо чекилди. Бор гап шу.

Мактаб директори эса Д.Аҳматованинг ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси унинг турмуш ўртоғи А.Абдураҳимов томонидан ёзилганидан бехабарлигини билдиради. Хуллас, касаба уюшмалари аралашуви билан қонун бузилиши бартараф этилди. Мактаб директорининг 30 январь кунги 8-сонли буйруғи билан Д.Аҳматова ўз вазифасига тикланди. Аммо шикоят муаллифи бу билан қаноатланган йўқ. У мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳақ, қолаверса, унга етказилган маънавий зарарни ҳам ундириб олишни хоҳлаяпти.

Ўқув йилининг ўртасида юз берган ҳолат «отларни кечувда алмаштириш»га ўхшайди. Энг ачинарлиси, бу ерда шахс ва ғурурнинг, гина-кудуратнинг бурчдан устун қўйилаётганидадир. Бу ҳолат мактабдаги таълим-тарбия жараёнига путур етказмайди, дея ким кафолат бера олади? Машмашага мубтало мактабдаги маънавий муҳитга ким жавобгар? Тизгинсиз саволлар кўп. Мутасаддилар ана шу масалалар устида бир ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

«Ишдан бўшатилганимни мактаб ҳисобчисидан эшитдим», — дейилади Оқдарё туманидаги 31-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси Дилдора Аҳматованинг Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига йўллаган шикоят аризасида. – Турмуш ўртоғим Абдунаби Абдураҳимов мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишга келганидан сўнг негадир раҳбар Гулчеҳра Холмонова билан орамизга совуқчилик тушиб қолди. Қандай бўлмасин, мени ишдан бўшатиб юбориш директорнинг бош мақсадига айланди...»

Танлов

Олима аёллар анжумани

Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» анъанавий танловини ўтказиб келмоқда.

Тадбирнинг бу галги босқичларида тўрт минг нафардан ортиқ аёл ўз ғояси, ишланма ва тадқиқотлари билан иштирок этди. «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» III республика танлови финал босқичига эса 250 нафардан ортиқ аёл етиб келди.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида ўтган тадбирда қайд этилганидек, 100 та энг муносиб инновацион ғояларнинг муаллифлари танловнинг ғолиблари сифатида танлаб олинади.

Танлов ғолиблари Халқаро хотин-қизлар куни арафасида эълон қилинади.

– Тадбир доирасида «Ихтирочи аёллар – 2020» форуми ҳамда иқтидорли хотин-қизлар инновацион лойиҳалари, ишланмалари, дастурий маҳсулотлари кўргазмалари ҳам ташкил этилди, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси Инновацияларни ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Карима Норқулова.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Тадбир

«Чинобод» санаторийсида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Бобур меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Улуғларга эҳтиром

Тадбирда буюк ижодкорларнинг ғазалларидан намуналар ўқилди, асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди. «Энг яхши шеър», «Энг яхши китобхон» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Санъаткорларнинг турфа чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Абдувоҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Тошкент вилояти

Долзарб мавзу

ҚУРИ «БУРИЛИШ»ДАГИ ЛАР

Меҳнат муҳофазасидаги масъулиятсизлик қачонгача?..

Мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонига айланган десак, асло муболаға эмас. Бу, ўз навбатида, меҳнатни муҳофаза қилувчи органлар, қурувчи ташкилотлар, соҳага алоқадор барча инсонлар зиммасига жуда катта масъулият юклаётир. Аммо...

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида касаба уюшмалари, бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган. Бироқ бу амалиётда ўз тасдиғини топаётгани йўқ. Буни қурилишларда рўй бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

«Белтепа мастер-строй» МЧЖга қарашли кўп қаватли бинодаги қурувчилар шу иншоотнинг совуқ хоналарида аранг жон сақлаб, ишламоқда. Техника хавфсизлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Тўққиз қаватли бинонинг тепасида қурувчилар худди ерда юргандек юришибди.

Қурилиш объектларидаги қурувчи ва ишчиларнинг меҳнат шароитини ўрганиш ҳамда меҳнатга доир қонунчиликда белгиланган қоидалар амалиётга нечоғлик татбиқ этилаётганини билиш мақсадида Тошкент вилоятидаги қурилиш майдонларида бўлдик.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИЗИЗ ИШЛАЁТГАНЛАР

Нурафшон шаҳрида қад ростлаётган Йўл қурилиш бошқармасининг маъмурий биносидамиз.

Мазкур иншоотнинг қурилиши ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган ва жорий йилнинг март санасигача, яъни байрам арафасида топширилиши белгиланган. Бу ерда айни пайтда 26 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ойлик маош 2 миллион сўмдан 4-5 миллионгача. Қурувчиларга яратилган шароит эса.. На ётоғи, на еб-ичишининг тайини бор. Каталакдек тор ва димиққан хонада 15-20 нафар киши тунайди.

– Қурилишни бошлаганимизда барча ходимларга бош кийим ва махсус либослар тарқатилган, – дейди «Экспресс-строй» МЧЖ иш бошқарувчиси Темур Мадаминов. – Ҳар кун эрталаб техника хавфсизлиги бўйича

тушунтириш ишлари олиб борилади. Ойлик-маошлари вақтида берилади. Иш тақсимлаш дафтарига ишчиларнинг кунлик меҳнати қайд этилади.

Иш бошқарувчи барча ишчилар бош кийим билан таъминланган деяпти-ю, аммо биз қурилиш биносида бирон-бир ишчининг бош кийимда ишлаётганини кўрмадик. Иш юритиш дафтарига ҳам охирги марта ёзилганига ҳам ўн кундан ортиқ вақт ўтган. Қурилишда ишлаётганларнинг бирортаси билан меҳнат шартномаси тузилмаган.

БАЙРАМ ҚАЧОН?..

«Белтепа мастер-строй» МЧЖга қарашли кўп қаватли бинодаги қурувчилар шу иншоотнинг совуқ хоналарида аранг жон сақлаб, ишламоқда. Техника хавфсизлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Тўққиз қаватли бинонинг тепасида қурувчилар худди ерда юргандек юришибди.

Йўл қурилиш бошқармаси, «Асака банк» вилоят филиали, божхона бошқармаси бинолари ҳамда 9 қаватли уй-жой қурилишида

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига умуман риоя этилмаяпти. Қурувчилар махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланмаган, тепа қаватларнинг фасад қисмида қурувчилар махсус ҳимоя камарларисиз ишламоқда.

Қурувчиларнинг аксарияти вилоятлардан келган ёлланма ишчилар. Уларнинг яшаш шароити жуда ачинарли аҳволда. Ётоқхоналар санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди, ишчилар тунайдиган айрим хоналарга ҳатто эшик ўрнатилмаган. Қурилиш ишлари амалга оширилаётган бино ва иншоотларда йўриқномалар амалдаги тартибда юритилмаган.

Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларидаги қурилишларда ҳам аҳвол мақтагулик эмас. Бир замонлардагидек биринчи қаватдан тўртинчи қаватга ғиштни қўлма-қўл чиқараётган ишчиларнинг ҳолатини тасвирлашга ҳатто сўз ҳам тополмадик.

Хуллас, вилоят бўйлаб қурилаётган иншоотларни кузатарканмиз, бинони белгиланган муддатда топшириш учун тонг саҳардан то кун қорайгунча меҳнат қилаётганларга қараб, машҳур латифа ёдга тушди: ...«Байрам қачон..?».

«ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧДИ»

«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа бошлагач, кўплаб жабҳалар қатори қурилиш соҳасида ҳам бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 7 январь куни қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича уступ

вор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликларни кескин танқид қилиб, Ўзбекистонда 22 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти бўлиб, уларнинг аксариятида ишчилар сони ва касб малакаси тўғрисида маълумот юритилмаслигига, соҳада техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаётгани, «риск-анализ» тизими ва назорат йўқлиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз бераётганига алоҳида тўхталиб, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, уни замонавий асосда ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирларни белгилаб берди.

Вилоят бўйлаб қурилаётган иншоотларни кузатарканмиз, бинони белгиланган муддатда топшириш учун тонг саҳардан то кун қорайгунча меҳнат қилаётганларга қараб, машҳур латифа ёдга тушди: ...«Байрам қачон..?».

Жумладан, Қурилиш, Молия, Адлия вазирликлари ва бошқа мутасадди ташкилотларга жорий йил 1 июлгача қурилиш корхоналари фаолиятини баҳолаш рейтингини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ушбу рейтингда ишчилар сони ва малакаси, бажарилган ишлар ҳажми, солиқ ва кредитларнинг ўз вақтида тўланиши каби мезонлар ўз аксини топади.

Шунингдек, йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбари қурилиш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизими бугунги кун талабига жавоб бермаслигини таъкидлади. Бандлик ва меҳнат, Қурилиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига қурилиш соҳасида ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар классификаторини жорий қилиш ҳамда унга мувофиқ коллежларда қурувчилар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари қурилмоқда. Демак, ушбу жараёнда барча мутасадди ташкилотлардан юқоридаги камчиликларга йўл қўймаслик, меҳнат муҳофазасига қатъий риоя этиш ва энг муҳими, қурувчи ва ишчиларга муносиб шароитлар яратиб бериш талаб этилади.



Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ, «Ishonch»

Наманган вилояти

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари ташкилотлари Наманган вилояти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Уйчи ва Учқўрғон туманларидаги бир қатор бошланғич касаба уюшма ташкилотларида фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчилар иштирокида тадбирлар ўтказмоқда.

Профилактика

КОРОНАВИРУС:

Хавф йўқ, аммо ҳушёрлик зарур

«Баракат ҳиммат файз» ҳамда «Уйчи қурилиш материаллари» МЧЖ, шунингдек, Учқўрғон тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхоналарида шахсий гигиена, касалликнинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни кўриш, тиббиёт хоналарининг зарур тиббий ускуналар, дори-дармонлар ва дизенфекция воситалари билан таъминланиши, бундан ташқари, овқатланиш, ювиниш ва ҳожатхоналар озодалигини сақлашга эътибор қаратиш ва доимий дизенфекция воситалари билан тозалаш чоралари тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилди.

Юқоридаги масала юзасидан ҳафта давомида жадвал асосида бошқа туманлардаги транспорт, қурилиш ташкилотларида ҳам тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Феруза ЭРМАТОВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари ташкилотлари Наманган вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Сўнгги хабарларга (www.ria.ru) кўра, Хитойда коронавирус қурбонлари сони бир кунда **97 нафарга** *кўпайиб, умумий сони* **908 нафар**ни ташкил қилмоқда. Шунингдек, касалланганлар сони **40171 нафар**га етган. Қурбонлар асосан Хитойнинг материк қисмидан. Бундан ташқари, яна иккита ўлим ҳолати қайд этилган: Ҳонконг ва Филиппинда.

Тошкент шаҳри

Тиғиз пайт

«ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТАЙЁРЛАНГ»...

ёхуд жамоат транспортида тирбандликлар барҳам топади(ми?)

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида бир кунда жамоат транспортидан тахминан 600 минг нафар йўловчи фойдаланади. Автобусда юрган одам билади (айниқса, тиғиз пайтда) тўловлар мушкуллигини. Чиптачининг одамларни «босиб-эзиб» ўтиши-ю, транспорт воситасининг тўловлар вақтида ортиқча тўхтаб қолиши диққатни оширади.

Айни шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг январь ойидан бошлаб ягона транспорт картаси орқали автоматлашган тўлов тизимига ўтилиши ҳақидаги эълонлар пайдо бўлди ва ягона транспорт карталари сотувга чиқарилди. Хўш, унинг афзалликлари нимада?

ЯШИРИН ЎҒИРЛИККА БАРҲАМ БЕРАДИ

Маълум бўлишича, ягона транспорт картаси айнан тўлов йиғимидаги турли яширин ўғирликларнинг олдини олиш, шаффофликка эришиш мақсадида жорий этилмоқда. Бунда барча карталардан автобусдаги валидатор аппарати сигнали асосида ечиб олинаётган пуллар автоматлаштирилган тизимга келиб тушади ва кун давомида

Ҳаким Йўлдошев («Халқ сўзи») олган суратлар.

махсус электрон жадвалда қайси йўналишда қанча йўловчига хизмат кўрсатилгани, автобуслар сони, уларнинг хизмат кўсатиш оралиғи кўриниб туради. Натижада йўл ҳақи йиғимлари ҳозиргига нисбатан 15 фоиздан 25 фоизгача ошиши ва тушган фойда жамоат транспорти тизимига янги автобуслар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, хизматни такомиллаштиришга сарфланиши кўзда тутилмоқда. Аммо тизим тўлиқ ишга тушиб, автокорхоналар фойдага киргунича-чи? Тиқилинч ҳолатлар давом этаверадими?

ЕТИШМОВЧИЛИК МАВЖУДЛИГИ АНИҚ

– Пойтахтимиздаги жамоат транспортларида муаммолар кўплигидан кўз юмолмаймиз, – дейди «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг ахборот хизмати бўлими бошлиғи Равшан Ёқубжонов. – Бу, аввало, шаҳарда кун сайин аҳоли кўпайиб бораётгани, қолаверса, трамвай ва троллейбусларнинг истеъмолдан чиқарилгани билан боғлиқ. Автобуслар етишмаслиги, эҳтиёт қисмларнинг четдан келтирилиши, уларни келтиришда ўзига яраша муаммолар борлиги ҳам айни ҳақиқат. «Isuzu» автобусларининг эҳтиёт қисмлари ўзимизда чиқарилса-да, «Mercedes» автобусларининг эҳтиёт қисмлари хориждан валюта ҳисобига келтирилади. Жамоат транспортига сарфланаётган харажатларни йўлкира тушумларидан келиб тушаётган маблағлар қопламайди. Чунки ёқилғи нархи қиммат, аммо йўлкира нархи арзон. Шу боис, тизимга давлат доим дотация ажратади. Аммо бу мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этиш имконини бермаяпти.

ЯНГИ МЕТРО ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР: МУАММОГА ЕЧИМ БОРМИ?

Январь ойининг учинчи ўн кунлигида «Тошшаҳартрансхизмат» яхши бир тажрибага қўл урди. Яъни, тизимга хусусий сектор жалб қилинди. Ҳозирча 129 – «Авиасозлар шаҳарчаси» – «Юнусобод 17-мавзе» йўналиши «Алихан транс сервис» МЧЖ корхонасига бириктирилди. Ушбу йўналишда корхонага тегишли «Asia star» русумли 11 та автобус аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Автобуслар «Евро-5» стандарти асосида ишлаб чиқарилган. Газ ёқилғиси билан ҳаракатланувчи транспорт воситаси 70 нафар йўловчига мўлжалланган ва кўплаб қулайликларга эга. Жумладан, автобус кондиционер, ногиронлиги бўлган шахсларнинг чиқиб тушишига мўлжалланган йўлак – пандус, 5 та кузатув камераси, монитор, двигателда ёнғин чиқишига қарши ишловчи автоматик тизим билан жиҳозланган.

Шаҳар бўйича бир кунда юзлаб автобуслар бузилиб, гаражга қайтиб келади. Уларнинг аксарияти олдиндан захира тарзида ғамланган эҳтиёт қисмлар билан тузатилиб, яна ишга жўнатилади, аммо баъзиларини бир кунда тузатишнинг иложи йўқ ёки чўзилиши мумкин. «Mercedes» автобуси ишлаб чиқарилган Германия давлатида улар 7 йил аҳолига хизмат қилгач фойдаланишдан чиқарилади. Мамлакатимиздаги мавжуд «Mercedes» автобусларининг аксарият янги ҳисобланганлари эса 10 йилдан ошиқ хизмат қилган ва улар тез-тез таъмирга муҳтож. Бундан кўриниб турибдики, бизга кўплаб янги автобуслар керак ва айнан шунга кўра жорий йилда янги автобуслар олиб келиш режалаштирилган.

Автобуслар оралиғи 9-10 дақиқани ташкил этмоқда. Агар келгусида хусусий корхона ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга бу тарздаги хизмат кўрсатиш маъқул келса тизимдаги бошқа йўналишларга ҳам яна хусусий автокорхоналар жалб қилинади. Натижада бу йўналишда олдин хизмат кўрсатган давлатга қарашли автобуслар, одам сиғими кўп бўлган бошқа йўналишларга қўйилади. Бу эса маълум маънода жамоат транспортидаги аҳволнинг яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Автобуслар қатнови оралиғи 9-10 дақиқани ташкил этмоқда. Агар келгусида хусусий корхона ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга бу тарздаги хизмат кўрсатиш маъқул келса, тизимдаги бошқа йўналишларга ҳам яна хусусий автокорхоналар жалб қилинади. Натижада бу йўналишда олдин хизмат кўрсатган давлатга қарашли автобуслар, одам сиғими кўп бўлган бошқа йўналишларга қўйилади. Бу эса маълум маънода жамоат транспортидаги аҳволнинг яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, янги қурилаётган Яшнобод, Учтепа, Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сирғали туманлари ҳудудларидан ўтувчи айланма ер усти ва ер ости метро йўналишининг дастлабки босқичда битказилиши мўлжалланган бекатлари ишга тушиши ҳам автобуслар сиғимининг енгиллашиши ва яхшиланишига олиб келади. Янги линия бир кунда 40 минг нафар йўловчини манзилга элтиши кўзда тутилган бўлса, ер усти метросининг барча 5 навбати тўлиқ фойдаланишга топширилгач эса кунига 1 миллион нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатилади. Бу ўз-ўзидан жамоат автобусларининг сиғими енгиллашишига, транспортда кузатилаётган бугунги мавжуд муаммолар сезиларли даражада барҳам топишига олиб келади. Бунда йўловчи бугунги ер ости метросининг истаган кассасидан битта жетон сотиб олиб, янги айланма йўлдан пойтахтнинг метро борган истаган ҳудудига бемалол етиб бора олиши мумкин.

Ҳусанбўри СОДИҚОВ чизган расм

Зебо НАМОЗОВА, «Ishonch»

Таҳлил

ЯНГИ парламент Ўзбекистон тараққиёти кафолати бўлади(ми?)

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Агар ўтган парламент сайловларига доир ҳуқуқий асосларнинг қабул қилиниш солномасига эътибор берсак, сайловга икки йилдан ортиқроқ вақт ичида тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўламиз. Бу жараён ташкилий ва амалий ишлар билан уйғун равишда кечди: Ўзбекистон Экологик партияси ташкил топди, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффофлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилди, ОАВда сиёсий партияларга турли муносабатлар билдириш эркинлиги шаклланди, сайлов кампаниялари сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, ўзаро танқидлар авж олган шароитларда рўй бера бошлади. Албатта, бу жараёнлар халқаро стандартлар ва ривожланган мамлакатларда сайловларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бера олмаса-да, демократик қадриятлар доирасида кечди.

Тўғри, кутилмаган очиқлик баъзи партия етакчилари ва сайловларга мутасадди раҳбарлар салоҳиятининг ҳали анча саёз эканини ҳам ошкор этиб қўйди. Сайлов кампаниясини янада такомиллаштириш учун фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Лекин, шунга қарамай, сайлов кампанияси ва унинг натижалари «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори мазмунига мос келди: бу жараёнларни халқаро ташкилотлар эътироф этди ва ижобий баҳолади.

Хусусан, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ) миссиясининг Ўзбекистондаги парламент сайловлари ҳақидаги Баёнотида сайлов кампанияси ижобий баҳоланиб, унда илк бор сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлиги ошгани қайд этилди, ҳокимиятнинг сўз эркинлиги ва эркин фикр билдиришга нисбатан эътибори тан олинди. Қолаверса, ОАВга сайловлар жараёнини ёритишга имкон яратилгани, бу соҳадаги ислоҳотларнинг фуқаролар ва партияларга сиёсий таклифлар билан чиқиш ва ҳокимиятни танқид қилиш учун катта имконият яратиб бергани ҳам кўрсатиб ўтилди.

> Сайлов кампаниясини янада такомиллаштириш учун фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Лекин, шунга қарамай, сайлов кампанияси ва унинг натижалари «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори мазмунига мос келди: бу жараёнларни халқаро ташкилотлар эътироф этди ва ижобий баҳолади.

Бундан ташқари, сайлов кампанияси давридаги барча ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий тадбирлар депутатлар корпусини шакллантиришга қаратилди. Миллий сайлов тизими ва парламентни демократлаштиришда депутатларнинг қуйидаги роли (олдинги парламентлар фаолиятида яхши сезилмаган) муҳим омиллар сифатида баҳоланди:

1) депутат парламентда ўз сиёсий партиясининг вакили ва унинг дастурий мақсадларини ифодалайди, уларни жамиятда тарғиб этади;

2) депутат ўзини сайлаган электорат манфаатларини ҳимоя қилади, улар билан доимий равишда алоқада бўлади, парламентдаги фаолиятини ўз сайловчилари хоҳиш-истакларига уйғунлаштирган ҳолда бажаради;

3) депутат ўз фаолиятида сайловчилар – миллий манфаатларни (Сенат аъзолари эса минтақалар манфаатларини) ифодалайди;

4) депутат барча даражаларда миллий ва халқ суверенитети, яъни бутун бир миллат, шунингдек, алоҳида олинган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, парламентнинг моҳияти, фаолияти, обрў ва нуфузини парламент аъзолари – депутатларнинг салоҳияти белгилаб беради. Депутатлар парламентни ҳаракатга келтирувчи ва унинг яшашини таъминловчи асосий кучдир. Шунинг учун депутатнинг эркин бўлиши, турли тажовузлардан ҳимоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов округидаги фуқаролар депутатни ўз вакили сифатида, қонун чиқарувчи ҳокимиятда ўз манфаатларини ифодалаши учун сайлайди. Бу депутат даставвал ўз сайлов округининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолатини ифодалайдиган халқ хизматкори, деган маънони англатади. Шу сабабли депутат ўз сайлов округи билан доимий равишда алоқада бўлиши, сайловчиларни қабул қилиши, ўз номзодини кўрсатган сиёсий партия билан боғланиб туриши зарур.

Депутат доимо ўзининг номзодини кўрсатган партияга боғлиқ ҳолда фаолият юритадиган шахсдир: у ўз хатти-ҳаракати тўғрисида парламентдаги партия фракцияси олдида ҳисобот бериб боради, партия дастури ва мафкурасига амал қилади, ундаги ғоялар ва концептуал мақсадларни қонунларда ифодалашга интилади.

Парламентнинг давлат ҳокимияти органи сифатида намоён бўлиши учун аҳоли халқ мақомига эришган, фуқаролар муайян сиёсий маданиятни ўз дунёқарашига сингдирган бўлиши лозим. Машҳур файласуф Цицероннинг таъбири билан айтганда, «халқ қандайдир тарзда биргаликда тўпланган ҳар қандай одамларнинг бирлашмаси эмас, балки, ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги масалаларида ўзаро бир-бири билан келишишга боғлиқ бўлган кўпчилик одамларнинг қўшилмасидир».

Шу билан бирга, ҳуқуқий давлатга хос бўлган парламент ўзини ўзи англаган, ҳуқуқий ва сиёсий манфаатларни намоён қила оладиган, булар таъсирида фаолият юритишнинг муайян тажрибасига эга бўлган фуқаролар шакланган муҳитда тузилади, ривожланади ва фаолият юрита олади. Зеро, қонун ишлаб чиқарувчи ҳокимият фуқароларнинг интеллектуал салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларини амалга ошириш натижаси ўлароқ шаклланиши аллақачон ўз исботини топган.

Демократик парламент жамият ва ундаги ижтимоий қатламларнинг сиёсий ва бошқа манфаатларини интеграциялаш йўли билан қондириш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш сари ҳаракатлари натижаси ўлароқ шаклланади. Сиёсий элита томонидан ташкил этилган парламент ҳеч қачон мустақил давлат органи сифатида фаолият юрита олмайди. Шу маънода, парламент ҳақиқий халқ минбари бўлиши учун жамиятдаги сиёсий тизимда ҳокимиятнинг учга бўлинишини истайдиган, ундан манфаатдор бўлган ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг ўзи ижтимоий-сиёсий интилишларга тайёр ҳолда сиёсий етуклик даражасини эгаллаган бўлиши лозим.

Парламентнинг давлат ҳокимияти органи сифатида шаклланиши учун мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг белгилари мавжуд бўлиши, ижроия ҳокимиятининг ваколатлари ва функциялари конституциявий асосларда чегараланиши, мазкур ҳокимиятни юзага келтириш учун парламентга зарурат сезиладиган ижтимоий-сиёсий муҳит яратилиши лозим. Агар парламент фақат ижроия ҳокимиятини расман пайдо қилиш учун тузилган, ижроия ҳокимиятининг фаолияти устидан парламент назорати ўрнатилмаган бўлса (ёки бу назорат хўжакўрсинга бўлса), у ҳолда давлат ҳокимияти авторитар режим шароитида яшаётган бўлади.

Умуман олганда, парламент халқнинг ва сиёсий элитанинг интеллектуаллик даражасига мутаносиб равишда шакланадиган, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини қонунларда ифодалашга қодир бўлган сиёсий институтдир.

Шу боис, парламентнинг етуклиги унинг қай тарзда шакллантирилишига ҳам боғлиқ. Демократик принциплар талабларига жавоб бера оладиган парламентнинг юзага келиши учун фуқароларнинг муайян қисми сиёсий фаол, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга мойил, сиёсий саводхон, ўз манфаатлари ва фуқаролик бурчларини англаган, муайян сиёсий партия фаолиятида иштирок этган ҳолда ўз манфаатларини қондиришга фаол киришадиган ижтимоий қатламлар ва гуруҳларга бирикиши лозим.

Парламент ҳокимият тизимида ўзаро мувозанатни таъминлаб турадиган ҳолатда ишлаши учун сиёсий партиялар демократик қадриятлар асосида фаолият юритиши зарур. Шу маънода сиёсий партияларни парламентнинг ўзига хос манбаи, ресурси, пойдевори, «инфратузилмалари» сифатида талқин этиш мумкин. Чунки фуқаролар ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини муайян бир мафкура доирасида интеграция қилиш, аҳолини ижтимоийлаштириш, унинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, бўлажак депутатлар захирасини шакллантириш, сайловларга тайёргарлик кўриш, сайловларни ўтказиш, парламентда партия фракциялари воситасида иштирок этиш сиёсий партияларнинг асосий функциялари ҳисобланади.

Сиёсий партиялар ўз бошланғич ташкилотлари ёрдамида халқнинг дунёқарашига ўз мафкурасини сингдириш, электорат ичида тарафдорларини кўпайтиришга эришиш каби кейинчалик парламент ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий фаолият билан шуғулланади. Шу тариқа партиялар кучи ва салоҳияти парламентнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари билан тенг мувозанатини таъминлаб туришга имкон беради.

Қонун чиқарувчи ҳокимият – парламентнинг моҳиятини англаш учун дастлаб қонун нима эканини аниқлаб олиш зарур. Қонун – кўпқиррали тушунча бўлиб, юридик, ҳуқуқий, табиий ва илмий турларга бўлинади. Қонунлар тизимлар фаолияти бўйсунадиган тартиботлар мажмуасини белгилайди. Парламент асосан ҳуқуқий ва юридик қонунлар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланади.

Қонунчилик акти қуйидаги белгилар жамланмасини ўзида ифода этса, у қонун ҳисобланади:

– ижтимоий муносабатларнинг муҳим жиҳатларини мувофиқлаштирса;

– қонунлар қонун чиқарувчи ҳокимият ёки референдумда халқ томонидан қабул қилинган бўлса;

– олий юридик кучга эга бўлса, яъни бошқа ҳуқуқий актлар ана шу қонунлар асосида қабул қилинса ва уларга зид келмаса.

Ҳар бир жамият аъзоси муайян вазиятда қандай йўл тутишни билиш учун қонунларга зарурат сезади. Масалан, чорраҳада светофор ўчиб қолса, автомобиллар тирбандлиги юзага келади. Светофор ишлай бошласа, аста-секин тирбандлик барҳам топади. Қонунлар ҳам давлат, жамият, фуқаро ва шахсларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, бир кишининг эркинлиги бошқа кишиларнинг эркинлигига дахл қилмаслигига доир чекловлар воситасида инсоний ҳаёт тарзини таъминлаб туради. Инсон амалдаги қонунларга бўйсунганидагина ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракатлар содир этмайди.

Бундан ташқари, инсон жамиятда қонунларга асосан яшаса, барқарорликка эришади. Қонунлар бўлмаса, улар ишламаса, жамиятда анархия бошланади ва у таназзулга юз тутади.

Аслида, қонунлар фуқаровий уюшиш шарти ҳисобланади. Қонун билан мажбурланадиган халқнинг ўзи албатта унинг ижодкори бўлиши лозим. Халқ ўзича фаровонлик ва эзгуликларни хоҳлайди, лекин уларга қандай эришиш, уларнинг аслида нима эканини доимо билавермайди, қандайдир етакловчи одамларга зарурат сезади: улар одамларнинг дунёқараши ва иродаларини бир-бирига мослаштириш, нимани хоҳлашини билдириш учун зарур. Ана шу заруратни теран англаб етган халқнинг идроки ва иродаси уйғунлашган ҳолда ижтимоий организмда бирлашсагина умумийликнинг унсурларида аниқ ўзаро хатти-ҳаракатлар пайдо бўлади. Бунинг оқибатида бир бутуннинг кучли жиҳати намоён бўлади. Мана шу ҳолат қонун ишлаб чиқарувчи заруратни пайдо қилади.

Парламентнинг асосий вазифаси қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. Шу билан бирга, у бошқа ҳокимиятлар – ижроия ва суд ҳокимияти билан ўзаро мувозанатни ўрнатиб турувчи, уч ҳокимиятнинг бир-бирини тийиб туришида асосий вазифани бажарувчи, фуқаролар манфаатларининг қонунларда ифодаланишини таъминловчи, жамият ижтимоий қатламлари манфаатлари ва хоҳиш-истакларини вакиллик органи сифатида ўзида намоён қилувчи ҳокимият ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунларнинг ижро этилиши нуқтаи назаридан ижроия ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш каби муҳим функцияларни ҳам бажаради. Қолаверса, парламент тарихда дастлаб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи давлат органи сифатида шаклланган ҳам айни ҳақиқат.

> Жаҳон тажрибасидан маълумки, парламентнинг моҳияти, фаолияти, обрў ва нуфузини парламент аъзолари – депутатларнинг салоҳияти белгилаб беради. Депутатлар парламентни ҳаракатга келтирувчи ва унинг яшашини таъминловчи асосий кучдир. Шунинг учун депутатнинг эркин бўлиши, турли тажовузлардан ҳимоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, янги парламентимизнинг самарали фаолият юритиши депутат ёки сенаторларнинг ўзларига боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, «Сайландик, энди ўзимиз хоҳлаганча юрамиз», деган гаплар ўтмишда қолиб кетди. Бундан буён парламентимиз фаолияти шунчаки расмий йиғилишлардан иборат бўлиб қолиши керак эмас. Парламент аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараётган масалаларни тегишли қонунлар қабул қилиш ёки ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан ҳал этиши зарур. Эндиликда олдимизда миллий парламентни такомиллаштириш, уни ҳуқуқий давлат талабларига жавоб бера оладиган институтга айлантириш, халқимиз манфаатларини парламент ҳаёти ва қонунларда ифодаланишига эришиш вазифаси турибди. Уларни тўлиқ бажариш янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Эълон

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига таклиф этади!

Очиқ кимошди савдосига Ички ишлар вазирлиги Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1991 й. и.ч., д/б: 01 356 VSD бўлган «Ваз 21083» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 235 000 сўм.
2. 1985 й. и.ч., д/б: 01 249 VSD бўлган «Ваз 2101» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 567 000 сўм.
3. 1994 й. и.ч., д/б: 10 089 VSF бўлган «Доган» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 471 000 сўм.
4. 2001 й. и.ч., д/б: 10 256 VSF бўлган «УАЗ 31514» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 568 000 сўм.
5. 2002 й. и.ч., д/б: 01 261 VSD бўлган «Тико» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 103 000 сўм.
6. 1989 й. и.ч., д/б: 10 043 VSF бўлган «Ваз 21061» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 222 000 сўм.
7. 1999 й. и.ч., д/б: 10 071 VSF бўлган «Отайўл» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 983 000 сўм.
8. 1991 й. и.ч., д/б: 01 276 VSD бўлган «Ваз 2106» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 267 000 сўм.
9. 1991 й. и.ч., д/б: 10 075 VSF бўлган «Ваз21063» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 701 000 сўм.
10. 2002 й. и.ч., д/б: 10 248 VSF бўлган «Отайўл» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 704 000 сўм.
11. 1991 й. и.ч., д/б: 01 274 VSD бўлган «Ваз 2107» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 568 000 сўм.
12. 1994 й. и.ч., д/б: 10 076 VSF бўлган «Ваз 2106» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 648 000 сўм.
13. 1992 й. и.ч., д/б: 01 118 VSD бўлган «Газ 2411» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 348 000 сўм.
14. 2002 й. и.ч., д/б: 01 361 VSD бўлган «Тико» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 103 000 сўм.
15. 1978 й. и.ч., д/б: 01 366 VSD бўлган «Ваз 2101» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 743 000 сўм.
16. 2002 й. и.ч., д/б: 01 369 VSD бўлган «Тико» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 103 000 сўм.
17. 1996 й. и.ч., д/б: 01 096 VSD бўлган «Ваз 2106» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 850 000 сўм.
18. 1996 й. и.ч., д/б: 01 372 VSD бўлган «Ваз 2106» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 800 000 сўм.
19. 1995 й. и.ч., д/б: 01 128 VSD бўлган «Ваз 21053» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 058 000 сўм.
20. 1994 й. и.ч., д/б: 01 380 VSD бўлган «Опель» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 760 000 сўм.
21. 1983 й. и.ч., д/б: 01 376 VSD бўлган «Ваз 21013» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 179 000 сўм.
22. 1999 й. и.ч., д/б: 01 483 VSD бўлган «Нексия» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 963 000 сўм.
23. 2002 й. и.ч., д/б: 01 325 VSD бўлган «Матиз» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 381 000 сўм.
24. 1990 й. и.ч., д/б: 01 384 VSD бўлган «Ваз 21061» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 147 000 сўм.
25. 1996 й. и.ч., д/б: 10 098 VSF бўлган «Ваз 21093» (носоз) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 304 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йилнинг 17-, 31 март, ва 14-, 28 апрель, 5-, 19 май кунлари соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари 2020 йил 17 март куни аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига савдода қатнашиш учун юзага келадиган ҳар бир мулк учун барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадилар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда КТИАСнинг ҳисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, ҳ/р: 20208000904929477001, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 15:00дан тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** (+998971) 249-54-59. **Веб сайт:** ktias.uz

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари - «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **21:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 217.** **30688** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130